Стратегик ва минтақавий тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

# 26 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 249 (10.302) / 2004 ЙИЛ 24 ДЕКАБРЬ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**23 декабрда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Комиссия раиси Бўритош Мустафоев бошқарди.**

Мажлисда якуний босқичга кирган сайлов кампанияси сайлов қонунчилиги талаблари доирасида, демократия, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида ўтаётгани таъкидланди.

Сайлов жараёнининг барча босқичларида хорижий давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари иштирок этмоқда.

Сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини яширин ва эркин ифода этиши учун шарт-шароит яратиш борасида чоралар кўрилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда сайловчиларни турган жойида овоз беришни ташкил этиш тўғрисида»ги Йўриқномани тасдиқлади.

Жумладан, Йўриқномада сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни ташкил этиш саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли сайлов участкасига кела олмайдиган фуқаролар учун истисноли ҳолларда амалга оширилиши белгиланган.

Сайловчи турган жойида овоз беришни амалга ошириш чоғида участка сайлов комиссиясининг камида уч ёки икки аъзоси иштирок этиши шарт.

Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни амалга оширишда ташвиқот юритиш тақиқланади.

Мажлисда сайлов кампанияси даврида сайлов қонунчилиги талабларининг бузилиш ҳоллари билан боғлиқ ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Марказий сайлов комиссияси етти нафар Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни ушбу мақомдан маҳрум қилганлиги қайд этилди. Сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги қонун нормаларини бузиш, хусусан, сайловчиларга бепул товарлар бериш, сиёсий партиялар юқори органлари қарорларини бажармаслик ва бошқа ҳолатлар шундай қарор қабул қилиш учун асос бўлди.

Шунингдек, мажлисда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги округ сайлов комиссиялари раисларининг парламент қуйи палатаси сайловини ўтказишга тайёргарлик масалалари бўйича ҳисоботлари тингланди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ғўза уруғчилигини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида «Ўзгармас ва доимо ўзгарувчан олам» мавзуида кўргазма очилди.

● Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон филиали нейрожарроҳлик бўлимида беморнинг бош миясидаги шишни олиб ташлаш бўйича муваффақиятли жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

● Гулистон шаҳрида ошпазлар, қандолатчилар ва официантлар ўртасидаги танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Турсун Қамбаров номли Фарғона касб-ҳунар билим юрти 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги республика ногиронлар коллежига айлантирилди ва бу ерда болаларга таълим бериш учун барча шарт-шароитлар яратилди.

### Жаҳонда

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Германияга расмий сафари чоғида ушбу мамлакат канцлери Герхард Шрёдер билан учрашди.

● Испаниянинг Каталония вилоятидаги учта шаҳарда ўтказилган антитеррористик рейдлар чоғида амалга оширилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг олди олинди.

● Польшада мамлакатнинг Германия билан чегарасида 28 нафар ноқонуний муҳожир қўлга олинди. Аниқланишича, уларнинг ярми Чеченистон ва Доғистон фуқаролари экан.

● Пентагон «Ислом жиҳоди» ташкилотига тегишли бўлган Интернетдаги 4 та сайт фаолиятига чек қўйди.

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

### БУГУН

### ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг тўртинчи саҳифасида ёритилмоқда.**

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**фаолияти ва партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига кўрсатилган номзодларнинг чиқишлари газетанинг бешинчи саҳифасида ёритилмоқда.**

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий сайлов комиссиясининг*
***ҚАРОРИ***

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 41-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни ташкил этиш саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли участка сайлов комиссиясига кела олмаган фуқаролар учун истисноли ҳолларда амалга оширилади;

сайловчилар турган жойида овоз беришни амалга оширишда участка сайлов комиссиясининг камида уч ёки икки аъзосининг иштирок этиши шарт;

сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни амалга оширишда ташвиқот юритиш таъқиқланади.

2. Участка сайлов комиссиялари сайловчилар турган жойида овоз беришини ташкил этишда мазкур Йўриқнома талабларига оғишмай амал қилсинлар.

Белгилансинки, мазкур Йўриқномада назарда тутилмаган ҳолларда сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этишга йўл қўйилмайди.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг котиби О.Соатов ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Марказий сайлов комиссияси раиси**
**Б.МУСТАФОЕВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 декабрь

*Ўзбекистон Республикаси*
*Марказий сайлов комиссиясининг*
*2004 йил 23 декабрдаги 234-сонли қарори билан тасдиқланган*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда сайловчиларни турган жойида овоз беришни ташкил этиш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

1. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 41-моддасига мувофиқ айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойида ташкил этишни топширади.

2. Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни ташкил этиш саломатлигининг яхши эмаслиги сабабли участка сайлов комиссиясига кела олмаган фуқаролар учун истисноли ҳолларда амалга оширилади.

3. Сайловчилар овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойида ташкил этишни сўраб, участка сайлов комиссияси ташкил этилгандан сўнг исталган вақтда, сайлов кунида эса овоз бериш вақти тугашига кечи билан икки соат қолгунча мурожаат қилишлари мумкин.

4. Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг ёзма ёки оғзаки шаклдаги билдирган илтимосига биноан бу шахсларнинг сайлов куни турган жойида овоз беришини ташкил этади. Сайловчилар турган жойида овоз беришни амалга оширишда участка сайлов комиссиясининг камида уч ёки икки аъзосининг иштирок этиши шарт.

5. Участка сайлов комиссияси аъзолари сайловчилардан тушган илтимослар сонига мувофиқ равишда бюллетенларни олишади. Бунда мурожаат қилган сайловчилар фамилияси сайловчилар рўйхати алоҳида иловасига киритилади. Сайловчилар рўйхатига ушбу илова сайловчилар турган жойига бораётган участка сайлов комиссияси аъзоларида бўлиши лозим.

6. Сайловчиларнинг мурожаатларига асосланмаган ҳолда ўзбошимчалик билан сайловчилар турган жойига улар томонидан овоз беришни амалга ошириш мақсадида ташриф буюришга йўл қўйилмайди.

7. Сайловчилар турган жойида овоз беришни ўтказиш учун бораётган участка сайлов комиссияси аъзолари ихтиёрида муҳрланган кўчма сайлов қутиси бўлиши лозим.

8. Сайловчилар турган жойида (яшаш жойида) овоз беришни амалга оширишда ташвиқот юритиш таъқиқланади.

9. Сайловчи турган жойига участка сайлов комиссияси аъзолари келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

10. Сайловчилар турган жойида овоз беришни ташкил этиш «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

26 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни

*Кузатувчи нигоҳи*

## Алеш ФОЙТИК:

# ПРОФЕССИОНАЛ ПАРЛАМЕНТ СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ КУЧАЙТИРАДИ

**Юртимизда ўтажак парламент сайлови арафасида ЎзА мухбири Чехия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Алеш Фойтик билан учрашди.**

— Чехия Республикасида қонунчилик тизими бирмунча бошқа шаклга эга, — деди элчи. — Барча қонун ҳужжатлари ҳукумат томонидан ишлаб чиқилади. Парламент эса уларни тасдиқлайди.

Чехия парламентининг Депутатлар палатаси ҳудудий партия сайлов округларидан 4 йилга сайланадиган 200 аъзога эга. Юқори палата ҳисобланган Сенат эса 6 йил муддатга сайланадиган 81 вакилдан иборат.

**— Икки палатали парламентнинг Ўзбекистон тараққиёти учун аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?**

— Ўзбекистонда икки палатали парламент тизимининг шакллантирилиши демократик жараёнларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Профессионал парламентнинг юзага келиши олий вакиллик органининг мамлакат сиёсий ҳаётида янада фаол иштирокини таъминлайди.

Янги парламент Ўзбекистонда халқнинг сиёсий фаоллигини оширишда ва фуқаролик жамиятини яратишда ўзига хос муҳим омил бўлади.

**— Ўзбекистон ва Чехия парламентлари ўртасидаги муносабатлар тўғрисида фикрингиз қандай?**

— Бугунги кунда парламентлараро алоқалар икки мамлакат ҳамкорлигида асосий йўналишлардан бирига айланмоқда. 2003 йилнинг июнь ва ноябрь ойларида Чехия Республикаси Сенати ташқи алоқалар, мудофаа ва хавфсизлик ҳамда иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва транспорт масалалари бўйича қўмиталарининг раислари Ўзбекистонда бўлиб, Олий Мажлис вакиллари билан учрашган эдилар.

Бу қонунчилик соҳасидаги икки томонлама муносабатлар ривожида муҳим қадамлардан бўлди.

Икки мамлакат парламенти аъзолари ўртасидаги доимий мулоқот ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг шаклланиши мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар истиқболи учун янги имкониятлар яратади, деб ишонаман.

**ЎзА мухбири**
**Нодирбек ЎЛЖАБОЕВ**
**суҳбатлашди**

# ТОКИОДА ДАВРА СУҲБАТИ

**Япония парламенти биносида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикасининг Токиодаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда таниқли сиёсат арбоблари, жамоатчилик ташкилотлари раҳбарлари, йирик компаниялар ва етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Улар орасида Япония парламенти аъзолари Коки Чума, Шигео Уетаки ва Исао Матсумия бор эди.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М.Очилов мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Олий Мажлис қуйи палатасига сайловларнинг моҳияти, унда иштирок этадиган сиёсий партиялар ҳақида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, сайловларда қатнашувчи халқаро кузатувчилар, уларнинг ваколатлари ва иштирокига доир масалалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Жонли мулоқот руҳида ўтган суҳбат баҳс-мунозараларга бой бўлди. Унинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юқори баҳолашди.

— Мазкур сайловларда бешта етакчи партия ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари номзодларининг иштирок этаётгани мамлакатнинг демократик тамойилларга тўлиқ риоя қилаётганини кўрсатмоқда, — деди Япония парламенти аъзоси К.Чума. — Марказий Осиё минтақасида етакчилик қилаётган Ўзбекистон демократик жамиятни шакллантириш борасида аллақачон ўзини дунёга танитиб улгурган мустақил давлат сифатида эътироф этилмоқда.

Шу жойнинг ўзида Япониядаги етакчи оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Давра суҳбати ва брифинг қатнашчиларига мамлакатимиздаги парламент сайловларига оид япон тилида тайёрланган рисола ва маълумотномалар тарқатилди.

**Беруний АЛИМОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Токио.**

**Мамлакатимиз тарихида биринчи маротаба бутунлай янги шароитларда 2004 йил 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига, маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Биз, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Етакчилар Кенгаши аъзолари ҳам шу юрт фарзанди сифатида Ватанимизнинг барча 18 ёшга тўлган ёшлари каби фахрланиб, илк бор сайловда қатнашамиз ва овоз берамиз. Бу сана бизнинг ҳаётимизда ўчмас из қолдиради.**

# КЕЛАЖАГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ҳозирги кунда сиёсий партияларимиз сайловда кўп овоз тўплаш ва парламентдан кўпроқ жой эгаллаш учун тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Шуниси қувонарлики, партия аъзоларининг кўпчилик қисмини ёшлар қаноти ташкил қилади, бу эса келажак ворислари бўлмиш биз ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларимиз янада ўсаётганидан дарак беради. Биз ёшларнинг бундай сиёсий сайловларда қатнашишимиз муҳим. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг аксар қисмини ёшлар ташкил қилади. Биз эртага овоз бериб парламентга сайланган депутатлар биз учун келажакда ҳар томонлама фойда келтира оладиган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқариб Сенатга тақдим этадилар. Бу қонунлар эса бизнинг келажагимиз, Ватанимиз равнақи, юртимиз фаровонлиги учун хизмат қилади.

Биз бугун жаҳон демократик жараёнлари тобора чуқурлашган унинг имкониятлари анча кенгайган, одамларнинг онглилик даражаси бирмунча ошган бир пайтда яшаяпмиз. Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мамлакатлараро, минтақалараро, қитъалараро таъсири тобора кучайиб бораётган бир шароитда кун кечиряпмиз. Буларнинг барчаси қалби ва онги уйғоқ инсонни ҳеч қачон четлаб ўтмайди.

Бизнинг яқин ўтмишимизда жаҳон демократик меъёрларига мос келадиган инсон эрки ва яшаш ҳуқуқи чегаралаб қўйилган эди. Ҳозир эса биз озодлик шамоллари эсаётган вақтда ўз эркимиз ва демократик ҳуқуқларимиздан фойдаланиб нафақат ўзимиз, албатта оиламиз билан биргаликда Ўзбекистонимиз ер юзидаги барча икки палатали сиёсий парламент жорий этилган давлатлар қаторидан жой олишига ишонган ҳолда, депутатликка лойиқ номзодларга овоз берамиз!

Келинг, азиз сайловчи ёшлар! Ўз келажагимизга ўзимиз замин яратайлик ва Ўзбекистоннинг энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида фаол қатнашайлик ҳамда бунга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Ахир биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам!

**Шаҳлохон ҲОШИМОВА,**
**«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими**
**Етакчилар Кенгаши раиси ўринбосари**

# ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

**«Sen yolg`iz emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси ва «Young nak» (АҚШ) халқаро инсонпарварлик жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.**

Шартномани «Sen yolg`iz emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси ҳомийлик кенгаши раиси Лола Каримова ва «Young nak» халқаро жамғармаси директорлари кенгаши раиси Ким Енг Су имзолади.

«Sen yolg`iz emassan» республика болалар жамоатчилик жамғармаси етим ва ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг соғлиғи реабилитацияси ҳамда махсус билим олишига кўмаклашиш билан шуғулланади.

«Young nak» халқаро инсонпарварлик жамғармаси нодавлат, нотижорат ва жамоат ташкилоти ҳисобланади. Мамлакатимизда унинг ваколатхонаси — «Енграг» халқаро инсонпарварлик жамғармаси фаолият юритмоқда. Жамғармалар ёрдамга муҳтож етим болалар, ота-она қаровисиз қолган ва ногирон болаларга ёрдам бериш борасида ҳамкорлик қилмоқда.

Амалий тажрибага эга икки ташкилот ҳамкорлик тўғрисида шартномани имзолаш билан янада самарали фаолият юритиш, етим ва ногирон болаларга ёрдам бериш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиради.

Шартномани имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари С.Инамова, Р.Қосимов, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл, Корея Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Мун Хаёнг иштирок этди.

**ЎзА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Шаҳристон» қаҳвахонасидаа Тошкент шаҳар ўзаро ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамияти ташаббуси билан меҳрга ташна инсонлар учун хайрия тадбири уюштирилди.

● **КЕЧА** «Дедеман» меҳмонхонасида Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Тарих институти, Тошкент Аёллар ресурс маркази ҳамкорликларида ўтказилган конференция «Ўзбекистон хотин-қизлари: кеча ва бугун» деб номланди.

● **КЕЧА** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан туманда истиқомат қилувчи имконияти чекланган ногирон болаларнинг уйларига кириб келаётган янги йилни кутлаш мақсадида Қорбобо ва Қорқиз ташриф буюрди, болажонларга совғалар улашди.

● **ЎТГАН** куни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, Марказий сайлов комиссиясининг матбуот хизмати ҳамкорликларида ташкил этилган «Мен сайловга тайёрман!» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни 300, 289-мактабларда «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сергели туман бўлимлари ҳамкорликларида иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий-маърифий дунёқарашларини янада шакллантириш мақсадида ижодкор ёшлар билан давра суҳбати уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси «Оила» илмий-амалий марказида илк маротаба нашр этилган «Оила» журналининг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **ЎТГАН** куни «Наврўз» мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Энг яхши ошпаз» кўрик-танловининг пойтахт босқичи ўтказилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат иқтисодиёт университетида талабалар иштирокида ўтказилган тадбир вақт омилидан унумли фойдаланишни статистик кузатиш жараёнига бағишланди.

● **ЭРТАГА** 242-мактабда Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида яқинлашиб келаётган Янги йил байрами муносабати билан «Отам, онам ва мен-спортчилар оиласи» деб номланган мусобақалар бўлиб ўтади.

● **ЎТГАН** куни 293-мактабда Бектемир туман халқ таълими бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликларида ўқувчи қизлар ўртасида шахмат, шашка бўйича мусобақалар ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Санъат*

## САНЪАТКОР ҲАҚИДА ПОСТАНОВКА

**Ўзбекистонда эстрада қўшиқчилиги санъатига асос солганлардан бири саналган хушовоз хонанда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳақида ҳикоя қилувчи қатор бадиий асарлар яратилмоқда. Бу атоқли санъаткор образининг саҳнавий талқини ҳам юзага келмоқда.**

Тошкент Давлат мусиқали комедия (оперетта) театри ижодий жамоаси таниқли эстрада хонандасининг хотирасига бағишланган янги постановка устида қизғин иш бошлаб юборди. Мазкур опереттада Ботир Зокиров ижодий фаолиятининг муҳим қирралари ўз ифодасини топади.

Янги спектаклда севимли артист ижро этган қўшиқлар ҳамда у яратган мусиқалардан фойдаланилади.

Бу постановка янги йилнинг бошларида томошабинларга тақдим этилади.

## ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ

**Истеъдодли ногирон болалар томонидан яратилаётган ижод намуналари бўйича ташкил этилаётган кўргазмалар томошабинларда завқ-шавқ уйғотиб келмоқда. Пойтахтимиздаги 100-руҳий ногирон болалар мактаб-интернатида намойиш қилинган кўргазма ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.**

Ушбу экспозиция экспонатлари мазкур тарбия ўчоғи истеъдодли ёшлари томонидан ясалган турли бадиий буюмлар, чизган қизиқарли расмлардан иборат бўлди. Болаларнинг дарсда ва машғулотдан ташқари вақтлардаги ижодий изланишларининг бир йиллик натижаси ўлароқ мазкур кўргазма мухлислар эътиборига ҳавола этилди.

Кўргазманинг очилишида ёш ижодкорларга совға-саломлар улашилди. «Асака» банки, «Ниҳол» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан берилган мукофотлар ҳам болаларга катта қувонч бахш этди.

## ДОСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ САҲНАДА

**Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри мухлисларни янги асарлар билан ҳушнуд этиб келмоқда. Ижодий жамоа яқинда бундай қувноқ спектакллардан яна бирини томошабинлар эътиборига ҳавола этди.**

«Холажон, мен уйланаман» номли янги постановка театрнинг навбатдаги ижодий ютуғи бўлди.

Шу кунларда актёрлар «Шарқ афсонаси» деб номланган опереттани саҳнага олиб чиқиш тараддудини кўришмоқда.

Алишер Навоийнинг машҳур «Фарҳод ва Ширин» достони асосида юзага келган мазкур спектакль янги йил арафасида томошабинларга тақдим этилади.

Янги постановкага истеъдодли ёш композитор Ирина Берлин оҳангларга бой мусиқа яратди.

**Акбар АЛИЕВ**

*Ватанга хизмат — муқаддас бурч*

## ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

**Мамлакатимизда ҳар йили 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.**

Куни кеча Марказий Офицерлар уйида Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга бағишланган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, ёшлар ўртасида ҳарбий хизмат нуфузини оммалаштириш, Қуролли Кучларда ўтказилаётган ислоҳотлар, сифат жиҳатидан янги армияни шакллантириш борасидаги материаллар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил этишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Маълумки шу кунларда ушбу қутлуғ айёмни кўтаринки руҳда кутиб олиш ва юқори даражада ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига биноан режа тузилиб, унда барча вазирлик ва муассасалар, шу жумладан оммавий ахборот воситалари олдига ҳам катта вазифалар қўйилган.

— Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик даврида ҳарбий қисмларда, олий ҳарбий билим юртларида очиқ эшиклар кунлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, давлат арбоблари, фахрийлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар, тадбир ва давра суҳбатлари бўлиб ўтади, — деди жумладан анжуманда сўз олган Мудофаа вазирлиги матбуот котибияти бошлиғи, полковник Раҳимжон Нурназаров. Шунингдек умумтаълим мактаблари, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида Мудофаа вазирлигининг офицерлари иштирокида анъанавий «Жасорат» дарслари уюштирилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, байрам арафасида Қуролли Кучлар Марказий музейида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари иштирокида бешинчи умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси ҳам очилади. Шунингдек, Ватан ҳимояси йўлида ҳалок бўлган фидойи ўғлонларнинг уйларига бориб, оила аъзоларига моддий ва маънавий кўмак берилади.

Анжуман иштирокчилари Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олиш, ҳар бир ёш қалбида Ватан ҳимоячиси ким эканлигини англаш, ўз уйини, ўз юртини асраш муқаддас бурч эканлигини чуқур тушуниб етишлари йўлидаги амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар ҳақида фикрлашиб олдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

*Маънавият*

## КУТУБХОНАДА АДАБИЙ КЕЧА

**Меҳр-мурувват инсонга Аллоҳ томонидан инъом этилган буюк неъматки, ҳар биримиз меҳр шуъласидан нафас олиб яшаймиз, вояга етамиз. Кўмакка муҳтож кишиларга мурувват кўрсатиш, моддий-маънавий ёрдам бериш эса халқимизга хос одат. Жорий йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб номланиши эса жамиятимизда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган меҳр тушунчасининг ёшлар онгига чуқур сингдирилишига сабабчи бўлди дейиш мумкин. Дарвоқе, Меҳр ва мурувват йили муносабати билан шаҳримизнинг ҳар бир гўшасида тадбирлар, адабий кечалар ўтказилаётганлиги эса қувонарли ҳол.**

Куни кеча Бектемир туманидаги Марказий кутубхонада «Меҳр билан яралган» мавзуида уюштирилган адабий кеча юқоридаги фикримизга далил бўла олади. Туман Марказий кутубхонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кечага китобхонлар, 289-мактаб ўқувчилари, туман ҳокимлиги ва туман маданият бўлими вакиллари ҳамда туман Марказий кутубхонаси филиаллари кутубхоначилари таклиф этилди.

Ўзаро мулоқот тарзида уюштирилган ушбу кечани Марказлашган кутубхоналар тизими раҳбари Мавлуда Аширбоева очар экан, ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбияси шаклланишида меҳрнинг, мурувватнинг аҳамияти беқиёс эканлигига эътиборни қаратди. Шунингдек, туман ҳокимлиги вакили Шуҳрат Собиров Меҳр ва мурувват йилида тумандаги ҳар бир корхона, ташкилот, ўқув муассасаси, маҳаллаларда хайрия тадбирлари уюштирилаётгани, меҳрга ташна инсонлар ҳолидан хабар олинаётгани савобли юмуш эканлигини эслатиб, бундай эзгу ишларни мунтазам бажариш лозимлигини таъкидлади.

Кечанинг серфайз ўтишида 289-мактаб ўқувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Чунки ўқувчилар томонидан меҳр, она Ватан, оқибат ҳақида куйланган дилрабо куй-қўшиқлар, ёд олинган шеърлар йиғилганлар кайфиятини кўтариб юборди.

Байрамона руҳда ўтган тадбир якунида эса туман Марказий кутубхонаси томонидан уч нафар фаол китобхонга эсдалик совғалари туҳфа этилди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



— Қўлларим қовушмаяпти, устоз.
— Ҳали шундай моҳир бўласизларки...

*Тадбирлар*

## «СЕВИНЧ» БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАДИ

**Янги йил шукуҳи юртимиз узра кезмоқда. Турли тадбирлар, байрам шодиёналари ўтказилмоқда. Меҳр ва мурувват йилининг сўнгги қадамлари муҳаббат, хайру саховат ила ўз якунини топмоқда.**

Куни кеча «Зарафшон» концерт залида «Севинч» вокал гуруҳи Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия байрам концертини ўтказди.

«Севинч» вокал дастаси шаҳар Ўқувчилар маркази қошида 1998 йилда ташкил топган. Гуруҳда 4 ёшдан 13 ёшгача бўлган 30 та бола ижодий фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили мазкур гуруҳ ўзининг ташкил қилинган санасига бағишлаб анъанавий байрам тадбирини ўтказиб келади. Бу байрам концерти Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногирон ва етим болаларга бағишланди.

— «Севинч» дастаси ўзининг олти йиллик иш фаолияти давомида, — дейди гуруҳ бадиий раҳбари Саодат Музаффарова. — Тошкентликларнинг фахри ва шодлигига айланди. Ансамбль жамоаси республика ва шаҳар кўрик-танловлари, фестиваллари ва байрамлари иштирокчиси ва лауреатидир. Гуруҳимиз томонидан шу кунгача 500 дан ортиқ хайрия концертлари ва дастурлари тайёрланди. Гуруҳ болалари билан фахрланаман ва уларни жуда севаман.

Дарҳақиқат, «Севинч» дастасининг санъатимизда ўз ўрни бор. Шу кунга қадар гуруҳ фаолияти ҳақида 3 та фильм суратга олинди. 10 га яқин клиплар ишланди. «Оҳангмедия» овоз ёзиш студияси томонидан ансамблнинг энг оммавий қўшиқларидан иборат 2 та альбоми чиқарилди. «Зарафшон» концерт залида ўтказилган хайрия тадбири эса жуда сервазқ ўтди.

Гуруҳ аъзолари томонидан ижро этилган куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар томошабинлар ва болажонлар қалбида ўчмас таcсурот қолдирди.

«Севинч» вокал дастаси репертуарида Хуршида Назарова, Алишер Икромов, Иброҳим Жиянов, Кавсар Турдиева, Усмон Қўчқор, Ҳабиб Раҳмат каби бастакор ва шоирларнинг сара қўшиқ ва куйлари сирли ва сеҳрли наво бўлиб таралди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**Тошкент шимолий темирйўл вокзалидан "Экосан" халқаро хайрия жамғармасининг навбатдаги инсонпарварлик поезди жўнатилди.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ПОЕЗДИ ЖЎНАТИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилган 35 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдами кийим-кечак, кўрпа-тўшак ғилофлари, пойабзал, дизенфекция воситалари, гемотаген даволаш озиқавий моддаси ҳамда бошқа хилдаги эҳтиёж молларидан иборат. Мазкур ёрдамни ташкил этишда экология ва саломатлик кунлари доирасида "Орол оналари ва болаларга" шиори остида ўтказилган умумреспублика экологик ҳашаридан тушган маблағдан фойдаланилди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, мазкур инсонпарварлик юки Қорақалпоғистондаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ва ногиронларга тарқатилади. Шунингдек, экологик жиҳатдан ноқулай шароитда яшовчи аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги инсонпарварлик ёрдамлари янада кенг йўлга қўйилади.

**А. ҒАФФОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

# ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАЙЛИК!



### Тахиржан АШУРОВ

**1966 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент алоқа электротехника институти (ҳозирги Тошкент Ахборот технологиялари университети)ни тугатган. Номзоди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 23-Тансиқбоев сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Меҳнат фаолиятини Тошкент Ахборот технологиялари университетига қарашли илмий-текшириш лабораториясида муҳандисликдан бошлаб, ёш, ғайратли, янгиликка интилувчан ходим сифатида ўз устида тинмай ишлаб касб маҳоратини ошириб борган.

1990 йилда «Зенит» заводида биринчи бўғин устаси сифатида фаолиятини бошлаб, йиғув бўғини бошлиғи даражасигача бўлган йўлни босиб ўтган. Ўз ишини пухта эгаллаган Тахиржан Ашуров кейинчалик цех бошлиғи ўринбосари, цех бошлиғи лавозимларида ишлаган. Зийраклиги ва илмга иштиёқи туфайли Жанубий Кореяга ўқишга юборилган.

Сўнг «ЎзДЭУэлектроникс» қўшма корхонаси телевизор ва магнитофонлар йиғув цехи менежери, бош менежери, ишлаб чиқариш бўйича директор вазифаларида ишлаган.

Ташаббускор, юрт ривожи учун ҳисса қўшишга интилган Т.Ашуров 2000 йилдан бошлаб «Оникс» акциядорлик жамиятида бошқарув раиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Унинг сайловолди дастури асосан иқтисодиёт йўналиши бўйича муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилган. Жумладан, қуйидагиларни долзарб масала деб билади:

1. Иш билан бандликни ошириш мақсадида корхоналарда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириб, янги иш жойларини ташкил этиш.

2. Чет эл сармояларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш.

3. Коммунал хизматлари ва транспорт нархларини тартибга келтириш.

4. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш фаолиятини қатъий назоратга олиш ва янада ривожлантиришга эришиш.



### Замира МАДАЛИЕВА

**1959 йилда Наманган вилоятида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 16-Хумоюн округи бўйича рўйхатга олинган.**

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Наманган вилояти ФҲДЁ бўлимида иш юритувчи сифатида бошлаган. Касбини пухта билишга интилган ёш ходим қисқа фурсатда жамоада ўз ўрнига эга бўлиб ёш оилаларнинг чиройли турмуш қуриши йўлидаги маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Давлат ҳуқуқи» кафедраси кабинет мудири, илмий тадқиқотлар бўлими етакчи мутахассиси, аспирантура ва докторантура бўлими мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Ҳозирги пайтда докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

З.Мадалиева бутун фаолияти давомида ёшлар муаммоларини илмий-амалий ҳал қилиш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишида ижтимоий ёрдам бериш каби масалалар билан шуғулланиб келмоқда.

Унинг сайловолди дастуридан ҳам ушбу йўналишдаги муаммолар, шунингдек иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги долзарб бўлиб турган масалалар ўрин олган. Жумладан, номзод қуйидаги масалаларга эътибор қаратмоқда:

— кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалий кўмаклашиш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича тавсияномалар тайёрлаш;

— маданий-маиший муассасаларнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

— аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш хизматининг талаб даражасида бўлишига эришиш;

— истеъдодли ёш авлодга ўз иқтидорини намоён этишга кўмаклашиш;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича мурожаатлар билан тегишли манзилларга чиқиш.



### Шухрат СУЛТАНХОДЖАЕВ

**1975 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент Давлат техника университети нефт ва газ факультетини тамомлаган. «Расулов Н.М.» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 26-Беруний сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Меҳнат фаолиятини Тошкент бадиий керамика тажриба комбинатида рассомчиликдан бошлаган ва 2000 йилгача шу ерда ишлаган. Кейинчалик ўз ишини ташкил этиб, 30дан зиёд ёшларни жалб қилган ҳолда мўъжазгина ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйган.

Қўлга мўйқалам тутиб, оппоқ қоғозга тасвир туширмш осон иш эмас. Шухрат Султанходжаев фаолиятини ана шундай заҳматли меҳнат билан бошлади.

Гарчи у ҳозирда иш бошқарувчи лавозимида фаолият юритаётган бўлса-да, ўз истеъдоди, маҳорати, рассомларга хос диди билан ҳамкасблари орасида ўз ўрнига эга. Хусусий тадбиркорлик сир-асрорларини пухта эгаллаб, иқтисодиётимиз ривожига баҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўз сайловолди дастурида Шухрат Султанходжаев Фидокорлар миллий демократик партияси тамойилларини намоён этишга ҳаракат қилган. Жумладан, номзод ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўйган:

Иқтисодий соҳада:

1. Кичик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун бор имкониятларни ишга солиш ҳамда ишбилармонликнинг ривожланиши учун имкон қадар қулай шароитлар яратиш, бу йўлдаги турли тўсиқларга барҳам бериш.

2. Асосий эътиборни инсон омилига қаратиш, халқ манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан воситаларини вужудга келтириш.

3. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида соғлом рақобат муҳитини яратиш.

Ижтимоий соҳада:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида биринчи навбатда нафақадаги фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоялаш.

2. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ва ўқувчи-педагогларнинг ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш.

Ш.Султанходжаев шунингдек, ўсиб келаётган авлоднинг баркамол инсон сифатида шаклланишида долзарб бўлиб турган айрим масалалар юзасидан ҳам ўз таклифларини билдирмоқда.



### Хусния СИНДАРОВА

**1957 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд топган. Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатган. 1997 йилда соғлиқни сақлаш йўналишидаги кўп тармоқли «Ялпиз» масъулияти чекланган жамиятига асос солган.Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 14-Интизор сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Мазкур жамиятнинг раҳбари Хусния Синдарова ўз сайловолди дастурида асосий эътиборни тадбиркорлик ҳаракатининг ривож топишига қаратиб, бу борада маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш таклифи билан чиқмоқда.

—Халқимизда «қўл билан берганга қуш тўймас», деган нақл бор, — дейди Х.Синдарова. —Демак, ҳар бир инсон, ҳар бир оила бу борада чуқур мушоҳада қилиб, бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат қилса, барча орзу-ниятларига эриша олиши мумкин... Биз ёш авлодни билимли қилиб тарбиялаш ҳақида жуда кўп гапирамиз. Сир эмас, фарзандларимизнинг билим олиши асосан ўқитувчилар зиммасига юклатилган, демак, устозларимизнинг моддий қўллаб-қувватланиши доимий равишда бўлишига эришишимиз керак. Бу борада мен тегишли меъёрий ва қонун ҳужжатлари қабул қилинишида фаол иштирок этишни ният қилганман. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов депутатлар халқ билан ҳокимият ўртасидаги кучли кўприк бўлиши керак деб, Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ таъкидлаб келганлар. Агарда менга депутат бўлиш насиб этса, шундай масъулиятни кўтара оламан деб ўйлайман.



### Зайниддин МИРХОДЖАЕВ

**1962 йилда Тошкент вилоятида таваллуд топган. Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети)ни тугатган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 50-Минор округи бўйича рўйхатга олинган.**

Меҳнат фаолиятини 1984 йилда Қурилиш банкининг Тошкент шаҳар туман бўлимларидан бирида иқтисодчиликдан бошлаган. 1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг амалиёт бошқармаси иқтисодчиси, кейинчалик — бошқарма бошлиғи ўринбосари, бошлиқ, бош амалиёт бўлими бошқарувчиси сифатида фаолият юритди.

Зайниддин Мирходжаев — 1998 йилдан шу кунга қадар Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси.

Ўз сайловолди дастурида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришларга кўмаклашиш ташаббуси билан чиқмоқда.

Мазкур мақсадларга эришиш йўлида куч-ғайратини қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга сарфлаш ниятида: — кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига амалий ёрдам кўрсатиш; — аҳолининг даромадлари, айниқса, бюджет соҳасидаги даромадларни, пенсиялар ва нафақаларни ошириш; — таълим муассасалари, хусусан педагоглар ва ўқувчилар олдига қўйиладиган талаблар ошкора бўлишига эришиш йўли билан таълим тизимини яхшилаш.

Зайниддин Мирходжаев ижтимоий масалаларни амалга оширишда қудратли иқтисодий негизга асосланиш зарурлигини таъкидлайди. Жумладан, бу борада эътиборни энг аввало қуйидаги жиҳатларга қаратиш лозим деб билади: — биринчидан, Ўзбекистондаги бозор ислоҳотининг муҳим йўналиши бўлмиш кичик бизнес ривожланишига, яъни мулкдорлар синфининг шаклланишига; — иккинчидан, халқаро инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш ва уларни самарали ишлатишнинг ҳуқуқий шартларини такомиллаштириш масалаларига.

Шунингдек, номзод коммунал хизматнинг самарали тизимини яратиш, аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлида даволаш-профилактика муассасаларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш, миллий-маданий меросимизни авайлаб-асраш борасидаги масалаларга алоҳида урғу берган.



### Маъмурахон ЮСУПОВА

**1958 йилда туғилган. Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тамомлаган. П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи директори.**

Маъмурахон Юсупова деярли бутун меҳнат фаолияти давомида шу ўқув юртида фаолият юритиб, ўз ишидан қадр топган инсонлардан бири. Кўплаб шогирдлар етиштирди. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлган. «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси» нишони билан тақдирланган. Коллежда ёшлар замонавий билим-кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш йўлида бор куч-ғайратини сарфламоқда. Унинг сайловолди дастурида ҳам айнан ўсиб келаётган авлодга алоҳида эътибор қаратилган.

— Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим-тарбия бериш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан ҳисобланади, — дейди М.Юсупова. — Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларининг маданияти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур». Ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги ишларни бажариш лозим деб ўйлайман: Хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеини кўтаришга ҳаракат қилиш, ўқиш ва ишларида муваффақиятга эришган, лекин шартнома пулини тўлай олмаётган ўқувчиларга ёрдам бериш учун жамоатчилик жамғармаларини ташкил этиш, ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш учун спорт ва соғломлаштириш ишларини такомиллаштириш.



### Дилшод ИСАМИТДИНОВ

**1966 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент Давлат иқтисодиёт университети)ни тамомлаган. «Шоҳсанам» хусусий корхонаси директори. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 1-Ойбек сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

Дилшод Ядгарович Исамитдинов меҳнат фаолиятини Акмал Икромов тумани умумий овқатланиш бошқармасида маркировка—тамғачи сифатида бошлаган. Кейинчалик Тошкент вилояти умумий овқатланиш бошқармаси молиячи-иқтисодчиси, «Зенит» техник савдо марказида маҳсулотшунос, ушбу марказга қарашли шохобча раҳбари бўлган.

Д.Исамитдинов иш фаолияти давомида ўзининг соҳани яхши билиши, ишчанлик қобилиятларини кенг намойиш этиб, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келади.

Бугунги кунда тадбиркорлик машаққатларини енгиб ўтган ва бу соҳадаги аксарият муаммолардан яхши воқиф бўлган Д.Исамитдинов ўз сайловолди дастурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида биринчи навбатда хорижий инвестицияларни кенг ва самарали жалб этиш, солиқ тизимини ислоҳ қилиш ва уни иқтисодий тараққиётни рағбатлантирувчи барчага мақбул механизмга айлантириш каби масалаларни кўтармоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ЭРИШИШ — ВАТАНИМИЗНИНГ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ ГАРОВИДИР



### Саида ГАНИЕВА,

**«Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси**

**1957 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 44-Навоий сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

— Мен, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси сифатида унинг сайловолди ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлайман ва шундан келиб чиққан ҳолда айни пайтда ўзимнинг асосий мақсад ва вазифаларимни қуйидагича ифодалайман:

1. Демократик давлат қурилиши шароитида ижтимоий масалаларни меҳнат аҳли манфаатларини кўзда тутган ҳолда ҳал этиш, яъни кам даромадли, кўп болали оилалар, пенсионерлар, ёшлар, ҳарбий хизматчилар, ўқитувчи ва шифокорлар, ногиронларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан ишга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш минтақавий дастурларини қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш ва тўлақонли меҳнат бандлигини қонун билан кафолатлаш, умуман, ишсизлик муаммоларини ҳал этиш.

3. Соғлиқни сақлаш ва таълим тизими муассасаларини бюджетдан молиялаш меъёрларини қайта кўриб чиқиш, барча тиббий ходимлар ва педагогларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш, касбларнинг нуфузини кўтариш учун ойлик маошларини кескин ошириш;

4. Умумтаълим мактабларининг биноларини сақлаш ва ўқув-моддий негизини бюджетдан молиялаштириш миқдорини кўпайтириш.

5. Бепул тиббий хизматнинг жаҳонда эътироф этилган меъёрларга мувофиқ бўлишига эришиш.

6. Аҳоли турмуш шароитлари билан бевосита боғлиқ бўлган уй-жой коммунал ва транспорт хизматлари нархларининг ўртача даражадаги даромадга эга кишилар учун мақбуллигини кафолатлаш мақсадида молиявий назоратни кучайтириш ва монополияга қарши чоралар кўриш.

7. Она табиатга нисбатан эҳтиёткор бўлиш, атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш. Халқимизнинг экологик тажрибаси, қадимий урф-одатлари ва анъаналарини тиклаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилгандек: аввало хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий-маиший, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш.

9. Мулк ва меҳнат барча шаклларининг ҳуқуқий ва иқтисодий тенг ҳуқуқлилигини, хусусий ташаббус, тадбиркорлик, рақобат эркинлиги ва хусусий мулкнинг дахлсизлигини қўллаб-қувватлаш.

10. Хўжалик субъектларининг хўжалик фаолиятига ҳокимият ва бошқа бошқарув органларининг аралашуви ва маъмурий тазйиқ кўрсатишига йўл қўймаслик.

11. Ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган моллар ва хизматлар билан тўлдириш.

Ўз дастурий мақсадларимга фақат қонун доирасида ҳаракат қилиб, демократик жамият имкониятларидан, жумладан парламентдан фойдаланиб эришмоқчиман.



### Мухтор АЛИЕВ,

**«8-автосарой» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси**

**1969 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент автомобиль йўллари институтини тугатган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 57-Отчопар сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

— Меҳнат фаолиятимни 1989 йилда «Шарқ» кўп тармоқли ишлаб чиқариш-тижорат ширкати гаражига раҳбарлик қилишдан бошлаганман. Ва шу тариқа мутахассислигим бўйича кўп соҳаларда ишладим. Жумладан, Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ Академияси транспорт бўлимида, «Интер-Азия» ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бўлимида, «Тошшаҳарюктранс» концернининг 142-автокорхонаси, 7-автокорхонаси, «ДЭУ-сервис» хизмат маркази, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси бош ишлаб чиқариш техника бошқармасида турли лавозимларда хизмат қилдим.

1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тугатганимдан кейин, «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компанияси тасарруфидаги «8-сонли автосарой» акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси этиб сайландим.

Ҳозирда республикамизда транспорт тизимини бозор иқтисодиёти шароитларига мувофиқ такомиллаштириш борасида кўп амалий ишлар қилинмоқда. Шу билан бирга бу борада ҳали муаммолар мавжуд. Шу боисдан ҳам ўз сайловолди дастуримда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда авваламбор транспорт хизматини янада яхшилаш юзасидан таклифлар билан чиқмоқдаман. Хусусан, бу борада:

— аҳолининг транспортга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш;

— янги ташкил топаётган кўча, мавзе ва маҳаллаларга янги йўналишлар очиш;

— йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш савиясини ошириш;

шунингдек:

— оталиққа олинган ташкилотларга берилаётган ҳомийлик ёрдамини давом эттириш;

— маҳаллалар билан яқин алоқада ишлаш;

— таъмирталаб йўллар, кўчаларни таъмирлашда кўмак бериш;

— Юнусобод туманидаги банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда кўмаклашиш;

— кам таъминланган оилаларнинг турмуш даражасини яхшилаш бўйича муаммоларни ҳал қилиш масалаларини ўзимнинг биринчи галдаги вазифаларим деб биламан ва бу борада ўз саъй-ҳаракатларимни давом эттиришга сўз бераман.



### Тохиржон ГАФУРОВ,

**Тошкент китоб-журнал фабрикаси директори ўринбосари**

**1949 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети)ни тугатган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 55-Мустақиллик сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

— Касбим бўйича меҳнат фаолиятимни 8-мактабда инглиз тили ўқитувчиси сифатида бошлаганман.

1975-1981 йилларда Тошкент китоб-журнал фабрикасида инглиз тили бўйича мусаҳҳиҳлик қилдим. 1981 йилда малакамни ошириш мақсадида Москва полиграфия институтида таҳсил олдим. Кейин ўз иш фаолиятимни яна қадрдон корхона— Тошкент китоб-журнал фабрикасида давом эттирдим ва бугунги кунга қадар мен учун оиламдек бўлиб қолган шу даргоҳда ишлаб келяпман.

Ҳалол меҳнатим эвазига, корхонамиз эришган ютуқлар туфайли ҳукуматимизнинг бир нечта фахрий ёрлиқлари, кўкрак нишони билан тақдирландим.

Буларнинг бари менга жамоамиз олдида катта масъулият юклайди, албатта. Ишчи-хизматчиларимиз таклифларини инобатга олиб, шунингдек мен кўп йиллардан бери аъзо бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси мақсадларига бўйсунган ҳолда, агарда ҳаттоки депутатлик насиб этмаса ҳам, қуйидаги масалалар ечимига бор куч-ғайратимни сарфлашга қарор қилдим:

— ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлган ва кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш энг долзарб масала бўлганлиги боис бу борада жиддий амалий иш олиб бориш;

— ишга қобилиятли аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш;

— ишлайдиган пенсионерлар нафақаларини тўлашдаги чек тартибини такомиллаштириш;

— йиллар давомида айрим кам таъминланган оилаларнинг коммунал хизмати учун йиғилиб қолган қарзларини қонуний равишда ҳомийларни жалб этган ҳолда тўланишини таъминлаш;

— мактаб дарсликларини ва ўқувқуролларини сифатини ошириш ва нархларини арзонлаштириш.



### Дилшод САНАЕВ,

**«Гидроасбоб» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори**

**1963 йилда Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрида туғилган. Механик-муҳандис мутахассислиги бўйича Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети)ни тугатган. Номзоди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган ва 50-Минор сайлов округи бўйича рўйхатга олинган.**

— Айни пайтда раҳбарлик лавозимида ишлаётган бўлсамда, меҳнат фаолиятимни 18 ёшдан чилангарликдан бошладим, «Шарқ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам беш йил хизмат қилдим.

Мен сайловолди ҳаракатларимда бугунги кунда кенг тус олган айрим масалаларни кўтармоқдаман. Масалан, менинг назаримда, ҳар бир меҳнат жамоасида ишчи-ходимлар манфаатлари биринчи ўринга, иш берувчиники — иккинчи ўринга қўйилишига эришиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, қуйидагиларни ҳам бугунги кунда ўзимнинг мақсадим деб биламан:

— хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноқонуний аралашувларга қарши курашиш;

— ойлик иш ҳақи ва нафақа миқдори оширилишига амалий ёрдам кўрсатиш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича деҳқон ва фермерлар эркинлигига эришиш.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, мулкчилик ва меҳнатнинг барча шаклларини ҳуқуқий ва иқтисодий ривожлантиришга, бозор иқтисодиёти шароитида инсонларни ижтимоий ҳимоялашга ўз ҳиссамни қўшган бўламан ва барчани шу масалалар ечимига эришишга чақираман.

## Сўранг, жавоб берамиз

**Мен ишлаётган масъулияти чекланган жамиятда ортиқча харажатларга умуман йўл қўйилмайди. Ҳатто транспорт билан бориб бажарилиши лозим бўлган барча юмушларни мен ўз шахсий машинамда бориб битказиб келаман. Айтиш мумкинки, деярли ҳар куни бирон хизмат чиқади. Айтингчи, ойлик иш ҳақидан ташқари менга компенсация тўланиши мумкинми?**

**Н.Баҳодиров, хизматчи.**

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-қарори билан тасдиқланган «Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадларида (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартиби»га кўра, корхона маъмурияти сизга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 6 баробари миқдорида компенсация тўлаши лозим. Компенсация ойига бир марта, иш ҳақи билан бир вақтда тўланади. Унга солиқ солинмайди ва ўртача иш ҳақи ҳисоблаб чиқарилаётганда ҳисобга олинмайди.

* * *

**Биринчи марта паспорт олиш ва муддати ўтганларини алмаштириш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?**

**М.Юсупова, талаба.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги Низомнинг 12-бандига кўра, паспорт олиш учун фуқаро истиқомат қиладиган жойдаги ички ишлар органига, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;
2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (паспортни биринчи марта олиш чоғида)
3. Илгари олинган паспорт;
4. 35х45 миллиметр катталикдаги иккита оқ-қора ёки рангли сурат.

* * *

**Янги пойабзал олган эдим, уни кийгач оёқларим қавариб қолди. Нима қилсам экан?**

**Ш.Шоҳайдарова, уй бекаси.**

Халқ табобати усулига мурожаат қиладиган бўлсак, оёқларнинг қавармаслиги учун кечаси оёқларни парлаб, сочиқ билан қуритиш лозим. Оёқнинг оғриқли жойига ички томони билан кесилган анжир мевасини қўйиб бинт билан ўраб қўйинг. Боғламни эрталаб олиб ташланг.

Яна 4-5 дона қора олхўрини (данаксиз) сутда қайнатинг. Нам, иссиқ қоқини қадоқ бўлган жойга қўйиб, совуб қолгунча ушлаб туринг. Сўнг уни бошқа иссиқ қора олхўри билан алмаштиринг. Бу усулни кундузи ҳам амалга оширса бўлади.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!**

**Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

# ЕТУКЛИК САЛОҲИЯТИ



**Одатда ушбу сарлавҳа остида катта ҳаётий тажрибага эга, ўз ишининг маҳоратли устаси бўлиб етгунга қадар машаққатли меҳнат босқичларини ўтаган кишилар хусусида сўз юритилади.**

Раҳматулла Каримов ҳали қирққа ҳам тўлмаган. Бу ёш эса, халқ ибораси билан айтганда, уни етукликка лойиқ дея баҳолаш учун етарли муддат эмас. Бироқ Раҳматулла Каримов билан бўлган суҳбатимиз чоғида бу инсон ҳар қандай мақтовга сазовор эканлигига ишончимиз комил бўлди. Демак, шунга лойиқ иш қилган экан-да...

Раҳматулла Тошкент вилоятининг Зангиота туманида таваллуд топган. Ота-онасининг эслашига қараганда, у ўз биринчи болалик қадамини бир ёшу икки ойлигида, отасининг машинасида ўтирган чоғида, тўсатдан орқа томондаги ўриндиқдан уч қадам ташлаб, олдинга, тўғридан-тўғри рул устига ўтириб олган экан.

Мактабни битиргач, Раҳматулла аввал бироз ишлашни маъқул топиб, Тошкент чарм ва спорт буюмлари бирлашмасида оддий ишчи бўлиб фаолият юритди. Кейинчалик Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга кирди. Аммо танлаган мутахассислиги бўйича ишлаш иштиёқи устун келгани боис, Раҳматулла ўқишни сиртқи бўлимга ўтказиб, транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш бошқармасига, фақат бир неча бор ҳаракат қилганидан сўнг, ишга қабул қилинди.

Меҳнатга, ўз танлаган ишига сидқидилдан муносабати Р.Каримовни аста-секин хизмат пиллапоғонасидан кўтарилишига туртки бўлди. Тўрт йил ўтгач эса у ушбу бошқармага раҳбар этиб тайинланди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур бошқарма дастлаб тажриба тариқасида ташкил этилган бўлиб, пойтахтда ягона ҳисобланган. Бошида бу ерда атиги 13 киши — автоолам соҳасини ипидан игнасигача билган юқори малакали мутахассислар ишлаган. Кейинчалик ҳукуматнинг тегишли қарорига асосан бошқарма янги мулкчилик шаклига ўтиб, аҳолига автосервис хизматларини кўрсатувчи «Шахстрансхизмат» масъулияти чекланган жамияти сифатида фаолият юрита бошлади. Бу эса, ўз навбатида, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ишчи ўринларни кенгайтиришга имконият яратди. Бугунги кунда Раҳматулла Каримов бошчилик қилаётган масъулияти чекланган жамияти 200 дан зиёд кишини иш билан таъминлаган.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Бизнинг қаҳрамонимиз кўпчилик қаторида «йўл-йўлакай», аниқроқ қилиб айтганда ўз имкониятларини бозор иқтисодиёти шароитларига мослаштирган ҳолда, нима билан шуғулланишидан қатъи назар ҳар кимнинг олдига бирдай талаб қўяётган тадбиркорлик тажрибасини орттира бошлади. Шубҳасиз, хато ва камчиликлар, вақти келганда пушаймонлар ҳам бўлди, аммо Раҳматулладаги кучли ирода уни олдинга, барча қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтишга чорлади.

Буларнинг бари Раҳматулла Каримовнинг айни пайтда бир ёшини нишонлаб улгурган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббускорларидан бири бўлишга ундади.

ЎзЛиДеПни кўз қорачиғи деб билган Раҳматулла Каримов партиянинг Чилонзор туман Кенгашига раҳбарлик қилиш масъулиятини зиммасига олди. Бугунги кунда туман миқёсида 2200 нафар аъзолари бўлган юздан зиёд бошланғич ташкилотлар ўз мақсадлари ва вазифаларини илгари сурган ҳолда изчиллик билан фаолият юритмоқда. Дарвоқе, биринчилардан бўлиб партиянинг бошланғич бўғинлари «Шахстранс» масъулияти чекланган жамияти хизмат кўрсатаётган корхона ва ташкилотларда ташкил этилган, яъни партия сафига Раҳматулла Каримовни бевосита иш жараёнида синаб, унинг масъулиятига тўла ишонган кишилар кирган. Буларнинг натижалари ўлароқ партиянинг туман, кейин эса шаҳар Кенгашлари қарорлари натижаларига кўра Раҳматулла Каримовнинг номзоди Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига тавсия этилди.

Айни пайтда Раҳматулла Каримов сайловолди ташвишлари билан овора. У ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорликнинг барча машаққатлари ҳамда муаммолари ҳақида яхши билади. Унинг таъкидлашига қараганда, агарда кўпчилик овозига сазовор бўлса ва депутат этиб сайланса, бугунги кунда иқтисодиётнинг устувор йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги долзарб бўлиб турган айрим масалаларни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши комиссиялари ва сессиялари даражасига кўтариш режалари бор. Р.Каримовнинг нияти ушбу масалаларнинг мантиқий ечимига эришиш йўли билан халқ ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшишдир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ САЙЛОВЧИЛАР

Сайлов арафасида турган кезларимизда мен ҳам қўл қовуштириб ўтирмай деб жойлардаги сайлов округи ва участкаларида бўлиб, у ердаги аҳвол билан яқиндан танишгим келди. Шу ниятда сафарга отландим. Йўл-йўлакай бораётиб, шаҳримизда бу галги сайловларга чинакам ўзгача тайёргарлик кўрилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бу нарса йўловчиларнинг ўзаро суҳбатидан ҳам, катта йўллар, осмонўпар бинолар ва сайлов участкалари атрофига осиб ташланган ҳаммани сайловга чорловчи шиорлардан ҳам шундоққина сезилиб турарди.

Дастлабки танишувни Темирйўлчилар маданият саройида жойлашган Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 3-Темир йўл сайлов округидан бошладим. Очиғи, бу ердаги тайёргарлик ишларидан кўнглим тўлди. Округ сайловчилари рўйхатига 110 мингдан ортиқ фуқаро киритилган. Ушбу округ шаҳримизнинг Миробод, Ҳамза ва Бектемир туманларини, шунингдек, 34 хорижий давлатда ташкил этилган 40 та сайлов участкасини бирлаштирган. Бизга ахборот беришларича, округ ҳудудида жойлашган барча сайлов участкалари белгиланган муддатда овоз беришга тайёр ҳолга келтирилган. Кенг бинолардан ўрин олган участкаларда сайловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Стендларда турли плакатлар қаторида номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, сайловчилар рўйхатлари мавжуд.

Шундан сўнг Шайхонтоҳур туманида жойлашган 492-сайлов участкасида бўлдик. Бугун бу ерда одамлар ҳар қачонгидан гавжум. Ҳамма ўзини қизиқтирган саволларига жавоб олишга ошиқади. Навбатчи — малакали мутахассислар уларга керакли жавобларни беришади. Участка сайловга оид барча анжомлар билан жиҳозланган. Деворларга номзодларнинг сайлов дастурлари осиб қўйилган. Комиссия котибаси Гулчеҳра Ҳамдамова бизни участка фаолияти билан яқиндан таништиради.

—Сайловчиларимиз номзодлар билан бир неча бор учрашишди. Мутахассисларнинг сайловлар ҳақидаги маърузаларини тинглашди. Бир неча бор савол-жавоб кечалари уюштирилди, — дейди у бизга. — Комиссиямиз аъзолари оилаларда бўлишиб, суҳбатлар ўтказишади. Хуллас бир сўз билан айтганда, участкамиз сайловга шай қилиб қўйилган.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга Акмал Икромов туманидаги 5-сайлов округида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса бу йилги сайловларда биринчи марта овоз берадиган ёшлар ўртасида ушбу сиёсий жараёнга қизиқиш катта. Улар тез-тез округ ҳудудидаги сайлов участкаларида бўлиб сайлов қонунчилигига оид адабиётлар, бешта сиёсий партиянинг сайловолди дастурлари билан яқиндан танишмоқдалар. Улардан бири Машкура Қодировани суҳбатга тортдик.

— Кейинги йилларда ёшлар онгида нурли эртамизга ишонч, бугунги кун ютуқларидан фахрланиш ҳисси пайдо бўлмоқда, — дейди у бизга. Бўлажак сайловларда фаол иштирок этишга интилаётганимизнинг боиси ҳам шундан. Жамиятнинг навқирон авлоди бўлмиш биз ёшларнинг сайловда илк бор овоз беришимиз ҳаётимиздаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади.

Шу куни Ҳамза туманидаги 33 - сайлов округи ва яна бир қатор сайлов участкаларида бўлдик. Ҳамма жойда тайёргарлик ишлари ниҳоясига етганлиги, барча округ ва участкалар сайловчиларни қабул қилишга ва улар ўзлари ёқтирган номзодларга овоз беришга тахт қилиб қўйилганлиги бизни хурсанд қилди. Кўриниб турибдики, якун топаётган ҳафтанинг якшанба тонгида барча округ ва участкалар хизматчилари ҳамшаҳарларимизни «Хуш келибсиз, азиз сайловчилар!» дея нурли табассум билан кутиб олишади.

## МЕНИНГ НОТАНИШ — ТАНИШГИНАМ

— Эй дўстим, бормисиз, сизни кўрадиган кун ҳам бор эканку.

Рўпарамдан келаётган нотаниш киши шундай илиқ самимият билан қучоқ очиб менга яқинлашди. Менинг бу нотаниш — танишгинам кимлигини билмасамда қучоқлашиб кўришдик. Ҳайрона қарашимни кўриб унинг ўзи гапира кетди.

— Кўришмаганимизга ҳам анча бўлиб кетди. Болалар яхшими, оила, келин-келбат дегандек.

— Раҳмат, яхши.

— Биляпман, менинг кимлигимни билмай ҳайрон бўлиб турибсиз. Ҳозир эслатсам топқирлигимга тан берасиз. Содиқжон деган биродаримизнинг тўйида сиз билан ёнма-ён ўтириб отамлашган Азимжон мен бўламан.

— Э, ҳа, — элас-элас эсладим, — у тўй ўтганига анча йиллар бўлди. Хотирамдан кўтарилибди.

—Яхши инсонлар билан учрашган ўша ғанимат дамларни унутиб бўлармиди? Ўшанда мен сизга беш кетганман. Содиқжон билан ҳар кўришганимизда сизга саломимни етказиб қўйишини илтимос қиламан. Бизнинг бу топшириғимизни сизга етказадими у галварс?

— Йўқ. Балки иш билан бўлиб хаёлидан кўтарилса керакда. У билан қанча учрашмайлик сиз ҳақингизда ҳеч нарса демаган.

— Оббо, хаёлпарастей. Ўзи ҳам ёшлигидан бироз фаромушхотирда. Эндиги сафар кўришганимизда қулоғини чўзиб қўяман.

Нотаниш-танишгинамнинг бу сўзи мени ҳайратда қолдирди. Содиқжон билан ораларидан қил ўтмас бўлса керакки, шу қадар уни ўзига яқин олиб гапиряпти.

— Энди менга қаранг, тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, — деган экан машойихлар. Тақдир тақозоси билан бир кўришиб қолибмиз. Бир пиёла чойимизни ичмай кетмайсиз.

— Чойни бошқа куни ичсак, ҳозир бозорда зарур юмушим бор эди.

— Бола-чақа ташвишини орқага ташлаб, ўзимиз ҳам одамларга ўхшаб бироз чақчақлашайлик. Ташвиш тортманг, хизмат ҳақи биздан. Кеча мўмай ойлик олганмиз. Хотиндан яшириб қолган пулларимиз бор.

Ҳар қанча рад этишимга қарамай у мени қўярда-қўймай шоҳона ресторанга бошлади. Ўта қурумсоқ экан демасин деб зўрба-зўр таклифига рози бўлдим. Ўрта миёна хўрандалар ўтирган ресторан хизматчилари бизни қуюқ кутиб олишди. Нотаниш-танишгинамнинг буйруқ тарзидаги буюртмаси билан стол усти бир зумда турли неъматлар, салатлар, газакларга тўлиб кетди. Ўртадан бир шиша ароқ ҳам ўрин олди. Ҳисоб-китоб масаласида мени ҳеч қандай шубҳага солмаслик учун нотаниш, танишгинам икки гапнинг бирида «Сиз ташвиш тортманг, хизмат ҳақи биздан», деган сўзни тўтиқушдек такрорлаб турибди. «Мен ичмайман» дейишимга қарамай, қўлимга қадаҳ тутди. «Чин дўстлик» ҳурмати учун биринчисини ичдик. Дўстимиз Содиқжонни эслаб иккинчи бор қадаҳ кўтардик. Учинчиси ўз-ўзидан кетаверди. Биринчи таомдан сўнг ароқ тугади. Бир зумда иккинчи шиша ўртада пайдо бўлди. Кабоб, сомса, норин, яна бир нарсалар келтирилди. Баъзилари ейилди, баъзиларга ҳатто қўл ҳам урилмади.

Қизғин паллада ҳамроҳим заҳар танқиганлигини айтиб «Ҳозир, бир зум», дея ўрнидан турди. Мен жойимда қолдим. Узоқ йўқ бўлиб кетди. Кутдим, кутдим, келмади. Хизматчилар ҳисоб-китоб ёзилган қоғозни олдимга қўйишди. Шубҳасизки, шоҳона ўтириш ҳақи учун сармоям етмасди. Нотаниш танишгинамнинг кимлигини сўраб-суриштирсам ҳеч ким билмади. Яхшиямки, паспортим ёнимда экан, уни гаровга қолдириб ресторандан чиқдим. Аламдан тўғри дўстим Содиқжонни қидириб бордим. Уни топиб Азимжон ҳақида сўрасам, дўстим елка қисиб ҳеч қандай Азимжон деган таниши йўқлиги ва бўлмаганлигини айтди...

Яқин биродаримиз Ҳайдаржон бошидан ўтказган ва бизга ҳикоя қилиб берган бу воқеани ҳеч қандай қўшимчасиз сизга етказдик, азиз оқшомхон. Ишқилиб сиз йўл-йўлакай учраган шундай фирибгар нотаниш—танишлардан эҳтиёт ва ҳушёр бўлинг.

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

● Эй азиз, араблар орасида «Бахиллик оловдир» деган мақол бор. Чунки бахиллик ўз соҳибини ғам ўтида ёндиради. Араблар бировни бахилликда айбламоқчи бўлсалар, уни «Нодир бахил» дейдилар. Бу сўзнинг келиб чиқишига Нодир исмли киши сабаб бўлиб, унинг тарихи қуйидагича экан. Айтишларича, Бани билол қавми орасида Нодир исмли киши бўлиб, у бахилликда маълум ва машҳур бўлган экан. У ҳар куни ўз туяларини суғориш учун қудуқдан сув тортиб олар, қудуқ ёнидаги ҳовузчага қуйиб суғорар ва туялардан ортиб қолган сувни ҳовуздан яна қайтиб олиб далага сепиб юборар ёки ортиқча сувни ифлослаб қўяр экан. У ҳар куни шу одатини такрорлашини қўймас экан. Унинг яна бир қилиғи бўлиб, туялар тезагини тепалаб, тупроққа аралаштириб юборар экан. Чунки тезакдан ўтин сифатида бошқалар фойдаланишини хоҳламас экан. Шунинг учун уни «Нодир бахил» дейишарди. Ўшандан бошлаб ким бахил бўлса уни «Нодир бахил» дейиш одат тусига кириб қолибди.

● Бахил яхшиликни ёмон кўради, ёмонликка эса қарсак уради.

Бахиллик бир тикон, агар у кимга ботса ўлдирмай қўймайди.

Бахил одам йўлдош бўлмайди: бордию йўлдош бўлиб қолса қорни шишиб ўлади.

● Бир подшо рикобдорлик вазифаини бажарувчи мулозимга қараб: «Бир сирим бор, аъёнлардан ҳеч кимга айтишга кўнглим бўлмаяпти, уни сенга айтмоқчиман!» — деди. Рикобдор унга:

**Жоним таним ичра**
**бор экан пинҳон,**
**Сиринг жоним ичра**
**яширин мудом,** —

деб жавоб берибди. Подшо унга: «Акамдан хавфдаман, унинг зарари менга етмай туриб, вужудининг тиконини мамлакат чаманидан юлиб ташламоқчиман!» — деди.

Рикобдор аҳвол саҳифасига бевафолик рақамини чекиб, унинг акаси олдига етиб борди ва бўлган воқеадан уни огоҳ қилди. Подшонинг акаси вақтида чоратадбирни кўриб қочиб қутулди.

Орадан бир қанча муддат ўтгач, подшо ўлди ва унинг ўрнига акаси тахтга ўтирди. Унинг биринчи фармони рикобдорни ўлдириш ҳақида бўлди. У рикобдорга деди:

**Тилинг бўлса эди**
**сир учун йўлдош,**
**Қиличдан узилмас**
**эди хаста бош!**

Шундай қилиб, рикобдор маломат ўқига нишон бўлди ва кўрнамаклик қуръаси унинг ҳаётига тамға бўлиб босилди.

Бектемир тумани ҳокимлиги ижроия маҳкамаси, ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ҳабибулло Усмонович Илҳомовга отаси

**Усмон ИЛҲОМОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

# УЙ КЎРАР

## Ҳикоя

Зеби хола уйқудан уйғонганда ҳали тонг ёришмаганди. Ҳовлини ўқдай кесиб ўтган ариқ ой нурида кумуш камардай ярқираб турарди. Хола шу шаффоф сувда маза қилиб ювинди. Ариқ четидаги сада-райҳонларни силкитиб-силкитиб юборганди, ҳовлини хушбўй ҳид тутиб кетди. Кечаси қориб қўйган ҳамири ошиб, тоғарадан тошай-тошай деб турган экан. Дарров супра ёйиб, зувала тутиб, нон ясашга киришди. Бир тандир нон ёпди. Нонмисан нон денг. Ҳар биттаси лоладай-лоладай... Жиззали нондан бир бурда ушатиб еб кўрди. Оҳ-оҳ! Оғзида эриб кетди. Чойгумга сув тўлдириб газга қўйди. Ҳовлига сув сепиб, чиннидай қилиб супуриб чиқди. Келин тушадиган уйга катта хонтахта қўйиб, оппоқ дастурхон ёзди. Биллур вазаларга мева-чевалар, қанд-қурслар тўлдириб-тўлдириб дастурхон тузади. Сотволдининг катта суратини қудаларнинг кўзи тушиб турадиган жойга қўйди. Тўйга атаб қоплаган кўрпа-кўрпачаларни, ёстиқларни тахмонга чиройли қилиб тахлади. Бугун Сотволдининг кўнгил қўйган қизиникидан уй кўрарга аёллар келишмоқчи эди-да. Зеби холанинг елиб-югуриб юришининг сабаби шунда-да.

— Ишқилиб, у томондагиларга уй-жойларимиз ёқсин-да, деб кўнглидан ўтказди Зеби хола. Ферузахоннинг отаси катта ишда ишлар экан... Сотволди билан Феруза гапни бир жойга қўйиб олишган. Улардан кўнгли тўқ. Уй-жойлари қудаларга маъқул бўлса бас.

Зеби хола шу хаёллар билан банд экан, кимдир дарвозани тақиллатди. Хола «ҳойнаҳой ўшалар бўлса керак» деб югуриб бориб эшикни очганди, остонада бир-биридан басавлат икки жувон турарди. Улар Зеби холанинг кўзига оловдек кўриниб кетди. Тортиниб ўтирмай қучоқлашиб кўришди. Меҳмонлардан айланиб-ўргилиб, дастурхон ёзилган уйга олиб кирди. Ширинсўз, дилдор жувонлар экан, Зеби хола билан опа-сингиллардек сўрашишди.

Қора хонатлас кўйлак кийган аёл Сотволдининг суратига ҳавас билан қараб, «куёв бола шулар бўлсалар керак-а?», деб қўйди.

— Ҳа, — деди Зеби хола ўғлининг суратига ғурур билан боқиб.

— Рустамдек йигитга ўхшайдилар.

Бу гапни эшитиб Зеби холанинг кўнгли тоғдай кўтарилиб кетди. Қалби ғурурга тўлди.

— Тағинам, бу озиб-тўзиб юрган вақтларида тушган сурати, — деди қувончини яширолмай. Ҳозир кўрсангиз, Алпомиш, Рустами достон дейсиз ўргилай...

Зеби хола иш билан равонга чиқди. Очиқ қолган эшикдан меҳмонларнинг овози шундоқ эшитилиб турарди.

— Муҳаррамхон қизини берса шундоқ жойга беради-да. Куёв қишлоқнинг энг олди йигити экан. Меҳнаткашлигини айтмайсизми? Ферузанинг ҳам кўнгли шунда экан...

— Менга ҳаммадан онаси ёқди, — дерди иккинчи жувон. Уйларини қаранг, саранжом-саришта... Шундоқ қайнонага бахтли қиз келин бўлади.

Зеби хола меҳмонларнинг ҳар бир сўзини оби зам-зам ўрнига симириб турарди. Эшитган сари кўзлари янада равшанлашгандек бўларди. Олам кўзларига аввалгисидан гўзалроқ кўрина бошлади. Ахир унинг энг эзгу нияти ҳам Сотволдининг «бир бошини икки қилиш», ўғилми ёки қиз набира кўриб, тўйиб-тўйиб бағрига босиш эди-да.

Зеби холанинг хаёлида худди ҳозир тўй бошланиб кетадигандек эди. Севинчидан кўзлари ёшланди, қулоқлари остида карнай-сурнай садолари янграгандек бўлди. Ҳарир тўр рўмол ортидан ерга боқиб, Сотволди билан ёнма-ён битта-битта қадам босиб келаётган Ферузахоннинг ойдек юзи кўз олдига келди. Назарида анчадан буён йиғиб юрган ялтироқ тангаларни Ферузахоннинг бошидан сочаётгандек эди.

— Онанг ўргилсин, — деди Ферузани хаёлан бағрига босиб.

Ўз овозидан ўзи чўчигандек атрофга қараб қўйди. Кейин келинига атаб қўйган пахта гулли чойнак-пиёлалардан олиб, меҳмонларга аччиқ чой дамлагани кетди.

**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**

*Бўш вақтингизда*

# «ИҚТИСОД» ЧАЙН-КРОССВОРДИ



1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш бозорини ўрганишга оид режа, чора-тадбирлар мажмуи. 2. Польшада пул бирлиги. 3. Тенг ҳуқуқли иштирокчилардан ташкил топган саноат ёки савдо уюшмаси. 4. Кўрсатилган хизмат учун тўланадиган ва муайян муассаса томонидан белгиланадиган қатъий маош. 5. Мустақил аллия ҳуқуқига эга бўлган корхоналар бирлашмаси. 6. Шимолий Америка ва Англияда қўлланиладиган ер сатҳи ўлчови бирлиги. 7. Мулк, ер ва капиталдан олинадиган доимий даромад. 8. Ташкилотнинг молиявий хўжалик фаолиятини тафтиш қилувчи лавозимли шахс. 9. Иш юритишнинг аввалдан белгиланган тартиби. 10. Маълум бир ишни амалга ошириш учун олдиндан бериладиган маблағ. 11. Турли сабаблар оқибатида зарар кўрган шахс ёки ташкилотга ёрдам кўрсатиш воситаси. 12. Баъзи маҳсулотлар учун белгиланадиган устама солиқ. 13. Қарз асосида давлат бюджетига маблағ тўплаш усули. 14. Ишлаб чиқаришни бошқариш, унинг усули, восита ва тамойиллари мажмуи. 15. Бирор аниқ жараённи амалга ошириш учун бирлашган корхоналар гуруҳи. 16. Синов тури. 17. Маълум бир ташкилот иш фаолиятини текшириш. 18. Вазифани амалга оширишдаги суръат. 19. Халқ ҳикматидан: «Даромадга яраша...» 20. Ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш мақсадида қўйилган талаб. 21. Роҳат, ҳузур. 22. Шахс, ташкилот ихтиёрида бўлган бойлик. 23. Кузатишлар асосидаги маълум ҳудудга мансуб маълумотлар тўплами. 24. Покистонда қўлланиладиган пул бирлиги. 25. Англияда амалда бўлган узунлик ўлчови бирлиги. 26. Куч ўлчови. 27. Жамғарма банкига қўйилган пулни исталган омонат банкидан олиш учун берилган ҳужжат. 28. Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган киши. 29. Пул бирлиги.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 17 декабрь сонида берилган «О» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:**

**Ейлар бўйича**: 1. Бодом. 2. «Бозор». 3. Боғот. 4. Довон. 5. Дозор. 6. Довот. 7. Донор. 8. «Жонон». 9. Когон. 10. Кокос. 11. Котов. 12. Косон. 13. Мотор. 14. Намоз. 15. Попов. 16. Порох. 17. Похол. 18. Робот. 19. Ровон. 20. Ровоч. 21. Қозоқ. 22. Чопон. 23. Ротор. 24. Сомон. 25. Сопол. 26. Товон. 27. Товоқ. 28. Товар. 29. «Фобос». 30. Хоқон. 31. Қоғоз. 32. Қозон.

**МУАММОНОМА**

**Очқич сўзлар**: 1.Ринг. 2. Иншо. 3. Лак. 4. Вақф.

**Ҳикмат:** Вафо қилган кишиларга вафо қил.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2865 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-208.

1 2 3 4 6